

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВА ШОДИЯБОНУ АБИТДЖАНОВНА

**КОРХОНАЛАРДА МАРКЕТИНГНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
(агросектор корхоналари мисолида)**

**08.00.11 – Маркетинг
08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt549 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкет молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyouet» ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Назарова Фотима Хақимовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Эргашходжаева Шахноза Джасуровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Султанов Баходир Файзуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» Август кунини соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Исло Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (1000 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Исло Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «4» Август кунини тарқатилди.
(2021 йил «4» Август даги 53 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х.Жумасев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Б.Т.Салимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жаҳон агросаноат мажмуасида XXI аср бошида 1,3 млрд киши, оила аъзолари билан биргаликда эса 2,6 млрд киши банд бўлишди. Тармоқда сайёрадаги иқтисодий фаол аҳолининг 46 фоиздан кўпроғи меҳнат қилиши унинг жаҳон хўжалигидаги муҳим аҳамияти ҳақида далолат беради. Охирги йилларда жаҳонда ривожланаётган мамлакатлар таъсири остида қишлоқ хўжалиги товарларини сотишга халақит берувчи тўсиқлар сезиларли даражада пасайиб бориб, миқдорий чегаралашлар ва лицензиялашлар, “нархни шакллантириш жараёнини бузувчи” сифатида қараладиган субсидия турлари ва бошқа турдаги субсидия турларини босқичма-босқич пасайтириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди. Жаҳон иқтисодий инқирози амалда агросаноат мажмуасига ва умуман қишлоқ хўжалигига сезиларли таъсир қилмади. Агарда сайёра미з аҳолисини барқарор ошиб боришини эътиборга оладиган бўлсак, 2050 йилга бориб жаҳондаги аҳоли сони тахминан 9 млрд кишига етиши натижасида озиқ-овқат муҳим ресурсга айланади ва уни ишлаб чиқаришни камида 2 баробарга ошириш зарурияти келиб чиқади¹.

Жаҳонда агросектор соҳасида маркетингни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг стратегик механизминини такомиллаштиришга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, агросектор корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этишда тизимли ёндашиш масалалари, агросектор соҳасини инновацион маркетинг ёндашувлари асосида такомиллаштириш, фан-техника ютуқларини амалиётга самарали жорий этиш орқали ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги суръатини, агромаҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, соҳада замонавий ахборот коммуникация технологиялари тизимини кенг жорий этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, чуқур ўйланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилиши аҳоли саломатлигини, бандлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми сифатида ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор мезонларидан бирига айланди. Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштириш, жумладан маҳсулот экиладиган майдонларни, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини сезиларли ошириш, мазкур тармоқни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтларнинг маблағларини фаол жалб этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин “мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажрибалар таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда”². Мазкур

¹ https://studme.org/167606266904/ekonomika/agropromyshlennyy_kompleks_mirovogo_hozyaystva.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239 сонли қарори//lex.uz/docs/4242012.

стратегик жиҳатдан истиқболли ва муҳим чора-тадбирларни самарали амалга ошириш агросектор корхоналарида замонавий маркетинг концепцияси ва тамойилларига асосланган ҳолда ишларни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари ва 2019 йил 14 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239 сонли ва 2018 йил 17 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3978-сон Қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарда маркетингни ташкил этиш ва уни ривожлантириш чет эл олимлари, жумладан, Д. Аакер, И. Ансофф, Г. Армстронг, К.Андерсен, Г.Ассэль А.Баззел, А. Вайсман, Е. Гилберт А. Черчилль, Я.Данбар, Е.Дихтль, Г. Картер, Г. Коллинз, Ф. Котлер, Ж.Ж. Ламбен, С. Макконнелл, М.Макдоналд, Т. Левитте, Х. Хершген, С. Хант, Ж. Эванс ва бошқа таниқли хорижий олимларнинг асарларига асосланади³.

МДҲ давлатлари олимларидан: Е.Ф.Авдокушин, Р.Х. Адуков, Г.Л. Азоев, В.В.Алексеев, А.И.Алтухов, А.А.Амбарцумов, А.С.Базуникин, Г.А. Баклаченко, И.К.Белявский, В.А.Беспалов, Г.П.Бутко, А.Т.Волков, Е.П. Голубков, В.Е.Демидов, А.Зелепухин, П.Е.Завялов, М.А.Кауфман, В.А. Клюкач, А.Н.Люкшинов, Г.И.Макин, Н.Н.Миронова, А.Л. Пустуев, А.В.

³ Аакер Д., Кумар В., Дэй Дж. Маркетинговые исследования. 7-е издание/ Пер. с англ. Под ред. С. Божук. – СПб.: Питер, 2004. – 848 с.; Игорь Ансофф. Новая корпоративная стратегия. При содействии Эдварда Дж. Макдоннелла. – Санкт-Петербург * Москва * Харьков * Минск, 1999; Андерсен К. Маркетинг для современных Робин Гудов...: применяем принципы успешных маркетинговых стратегий в реализации благотворительных программ / Катя Андресен; пер. с англ. О. В. Мацака. – М.: Эксмо, 2008. – 270с.; Ассэль Гэнри. Маркетинг: принципы и стратегии: Учебник для вузов. – М.: ИНФРА-М, 1999; Баззел Р.Д., Кокс Д.Ф., Браун Р.В. Информация и риск в маркетинге / Пер. с англ., под ред М.Р.Ефимовой.-М.: Финстатинформ, 1993.- 96 с.; Вайсман А., Стратегия маркетинга: 10 шагов к успеху. Стратегия менеджмента: 5 факторов успеха. – М.: Экономика, 1995; Гилберт А. Черчилль. Маркетинговые исследования. – СПб: Питер, 2000. – 752 с.; Котлер Ф. Армстронг Г. Основы маркетинга. – М.: Вильямс, 2003; Ламбен Ж.-Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок. Стратегический и операционный маркетинг. – СПб.: Питер, 2007. – 800 с.;

Пошатаев, И.В. Соколова, П.П.Сорокин, Ф.Ф.Стерликов, Л.А.Татарчук, И.Г. Ушачев, Р.И.Фатхутдинов, В.В.Федосеев, Н.Д.Эриашвили, К.Ховард, Ю.А. Цыпкин ва бошқаларнинг⁴ илмий изланишларида бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда маркетингни бошқариш ва ташкил этиш, маркетинг фаолиятини такомиллаштириш каби масалалар тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонлик олимлардан маркетинг ва шу жумладан агросекторда маркетинг тадқиқотлари А.Бекмуродов, К.Алимов, Р.Алимов, Г.Ахунова, А.Солиев, А.Фаттахов, М.Болтабоев, Ш.Д.Эргашходжаева, М.Қосимова, И.Иватов, Ф.Назарова, Д.Юсупова, Д.М.Авазходжаева, Д. Мирзахалилова, Ш.Ходжаева⁵ ва бошқаларнинг ишларида батафсил ёритилган.

Хусусан, Ф.М.Назарова иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболларини, Ш.Д. Эргашходжаева бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини, Д.М.Авазходжаева Ўзбекистонда аграр секторни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилган.

Аммо юқоридаги илмий тадқиқотларда агросектор корхоналарида маркетингни ташкил этиш самарадорлигини ошириш масалалари илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот ишида республикаимиз аграр соҳасида маркетингни ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари, шунингдек агросектор корхоналарида маркетингни ташкил этиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари инобатга олинган бўлиб, бу эса танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

⁴ Авдокушин Е.Ф. Маркетинг в международном бизнесе: Учеб. пособие / Е. Ф. Авдокушин. – М.: Дашков и К°, 2002. – 326 с.; Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия, практика / Геннадий Лазорович Азоев. – М.: Центр экономики и маркетинга, 1996. – 207 с.; Беляевский И. К. Маркетинговое исследование: информация, анализ, прогноз: учеб. пособие / И. К. Беляевский. – М.: Финансы и статистика, 2004. Рабаданов А.Р., Абдуллаева Т.К. Роль маркетинга в сельскохозяйственном производстве. // Электронное научное издание Вестник РГАЗУ, 2007. №2.; Зелепухин А. Кооперация и интеграция агропромышленного производства / А. Зелепухин, Н. Миронова // АПК: экономика, упр. ... Казанин В. Зерновое хозяйство Алтайского края / В. Казанин // АПК: экономика, упр. – 2002. – №1. – С. 17-21.; Управление маркетингом в АПК: учебник/ А.В.Пошатаев, Т.А.Бурцев, М.А.Кауфман и др.: под ред. А.В.Пошатаева. – М.: Изд-во РГАУ-МЕХА им. К.А.Тимирязева, 2011. – 279 с.; Эриашвили Н.Д., Ховард К., Цыпкин Ю.А., Соловьев Б.А., Федосеев В.В., Алексеев С.В. Маркетинг. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.; Фатхутдинов Р.А. Стратегический маркетинг. 2-е изд., перераб. и доп. – СПб.: Питер, 2002. – 368 с.; Цыпкин Ю.А., Люкшинов А.Н., Пакунина А.А. Агрорынок // Мир. – М., 2004. – 240 с.; Бутко Г. П., Пустуев А.Л. и др. Маркетинговая деятельность агропромышленного комплекса в формате агропродовольственной программы территории// Аграрный вестник Урала № 06 (148), 2016. – С. 89-93.

⁵ А.Ш. Бекмуродов, Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. 2006, 47 стр.; Бекмуродов А. Ш., Косимова М. С., Эргашходжаева Ш. Ж. Стратегический маркетинг. Учебное пособие. – Т.: ТДИУ, 2010. – 161 с.; Алимов К.А., Алимов Р.Х. ва бошқ. Тадбиркорлик маркетинги. –Т.: Фан, 2001. – 127 б.; Болтабоев М.Р. Тўқимачиликсаноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223-б.; Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. дис. автореф. икт. фан. док. – Т.: ТДИУ, 2006. – 42 б.; Косимова М. С., Эргашхужаева Ш. Ж. Маркетинг. Учебн. пос. – Т.: ТДИУ, 2004.; Иватов И. Хусусий тадбиркорлик ва маркетинг//Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2001, 6-сон. Б.19-21.; Назарова Ф.М. Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари дис. автореф.... икт. фан. номз. – Т.: ЎзБИТТИ, 2001. – 24 б.; Эргашходжаева Ш.Ж., А.Солиев, А.Фаттахов, М.Юнусов. Проблемы использования теоретико-методологических основ маркетинга в процессе реализации стратегий действий. <http://tsue.uz/wp-content/uploads/2019/05/39>

Диссертация иши Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда АМ-ФЗ-201908169 «Кичик саноат зоналари тижорат салоҳиятини аниқлашнинг инновацион маркетинг таъминотини яратиш» мавзусидаги амалий гранти (2019-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади агросектор корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

агросекторда маркетингнинг ривожланиш хусусиятлари, босқичлари ва ушбу соҳадаги замонавий тенденцияларни ўрганиш;

агросекторда маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибаларини ўрганиш ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги “Тошкентвинокомбинати” акциядорлик жамиятининг иқтисодий кўрсаткичларини, инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари таҳлил этиш;

агросектор корхоналарида маркетингни режалаштиришни устувор йўналишларини аниқлаш;

агросектор корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш йўналишларини асослаш;

рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида агросектор корхоналарида маркетинг хизмати фаолиятини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

агросектор корхоналарида маркетингини ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида чет эл инвестицияси иштирокидаги “Тошкентвино Комбинати” акциядорлик жамиятининг хўжалик юритиш фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини агросектор корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш борасидаги ўзаро ташкилий ва иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий мушоҳада, абстракт-мантқиқий фикрлаш, тизимли таҳлил, статистик-иқтисодий, SWOT-таҳлил, корреляцион-регрессион таҳлил, қиёсий баҳолаш ва анкета сўровлари усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корхоналарда маркетинг фаолияти самарадорлигини истеъмолчилар талабидаги жорий ўзгаришларни даврий баҳолаш орқали ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмини мувофиқлаштириш ҳисобига ошириш асосланган;

корхона маркетинг режасини ишлаб чиқишда “юқоридан қуйига” (top-down planning) ва “қуйидан юқорига” (bottom-up planning) режалаштириш усулларида корпоратив шаклдаги хўжалик тузилмалари учун самарали ҳисобланган “ўзгарувчан векторли режалаштириш” (variable vector planning) шаклидан фойдаланиш таклифи асосланган;

агросаноат мажмуи таркибида маркетинг маслаҳат хизматлари агентлигини ташкил этиш орқали корхоналар маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш таклифи асосланган;

пандемия шароитида Ўзбекистон агросекторида озиқ-овқат маҳсулотлари жами товар айланмасининг истиқболда кутилиши мумкин бўлган ҳолатлари бўйича сценарийлари асосида маҳсулот ҳажмининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“агросектор”, “агросаноат мажмуаси”, “агромаркетинг” тушунчаларининг таърифлари такомиллаштирилган;

республика агросектор тизимининг турли бўғинлари, шу жумладан истеъмолчилар кооперацияси ва озиқ-овқат корхоналарининг самарали ўзаро муносабатларини амалга ошириш механизми таклиф этилган;

агромаркетингни бошқариш функциялари ва тузилмасини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан агросекторда маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал қилиш, ушбу тузилмалар самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини, шунингдек мамлакат аҳолиси бандлиги ва даромадларини ошириш имкониятлари аниқланган;

агросаноат мажмуасининг одатдаги қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг маҳаллий ва илғор хорижий тажрибалари умумлаштирилиб, ундан агросектор корхоналарида фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган;

агросекторда озиқ-овқат маҳсулотлари жами товар айланмасини пандемия шароитида кутилиши мумкин бўлган ҳолатлари бўйича сценарийлари асосида 4,5 фоиздан 6,9 фоизгача камайиши мумкинлиги аниқланган ва маҳсулот ҳажмини 2020-2025 йилларгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш агросектор корхоналарида маркетингни ташкил этиш самарадорлигини ошириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, уларни самарали таҳлил усулларида фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига асосланганлиги билан изоҳланади. Тадқиқотдан олинган назарий ва услубий хулосалар шу тоифадаги тадқиқотлар тавсифига мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, агросектор корхоналарида маркетингни ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш, истиқболли йўналишларини тадқиқ этиш масалаларига оид махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади. Ишлаб

чиқилган илмий таклиф ва тавсиялар агросектор корхоналарида маркетинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган комплекс дастурлар учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни маҳаллий ҳудудларда агросектор корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишда, агросектор корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда, айрим турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва истеъмол даражасини прогноз параметрларини ҳисоблаш бўйича услубий кўрсатмалар ва йўриқномаларни, йўл хариталари мажмуини ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, айрим илмий-назарий хулосалардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Маркетинг», «Корхона маркетинги» ва «Агромаркетинг» каби фанлардан ўқув-услубий мажмуалар ва дастурларни ишлаб чиқишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Агросектор корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

корхоналарда маркетинг фаолияти самарадорлигини истеъмолчилар талабидаги жорий ўзгаришларни даврий баҳолаш орқали ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмини мувофиқлаштириш ҳисобига ошириш таклифи ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамиятининг маркетинг режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 10 апрелдаги 5-2/20-20-04656-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижада 2019 йилда агросекторда маҳсулот экспорт ҳажми 10 фоизга ошганлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланган.

узоқ муддатли истиқболда агросектор корхоналарининг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган бошқарув стратегиялари ва режаларини ишлаб чиқиш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифи ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамиятининг маркетинг режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 10 апрелдаги 5-2/20-20-04656-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга, йиллик даромади эса 60 млн. сўмга оширилишига эришилган;

агросектор корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш борасидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган вазифаларни ечишга хизмат қилувчи маркетинг маслаҳат хизматлари агентлигини ташкил қилиш борасидаги таклифи ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ томонидан жорий этилган (ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ нинг 2020 йил 10 майдаги 5-2/20-20-3234-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши

натijasida aksiyadorlik jamiyatida mahsulot sotish hajmi 20 foizga oshirilib, erishilgan;

agrosektorда озиқ-овқат маҳсулотлари жами товар айланмасининг пандемия шароитида кутилиши мумкин бўлган ҳолатлари бўйича сценарийлари ва маҳсулот ҳажмининг 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ томонидан жорий этилган (ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ нинг 2020 йил 10 майдаги 5-2/20-20-3234-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натijasida жамият таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини яхлит ва узвий технологик жараён сифатида ташкил этиш даражаси ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий мазмуни бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шунингдек, 3 таси нуфузли хорижий импакт-факторли, 6 таси республика илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Агросектор ишлаб чиқаришида маркетингнинг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида маркетинг режаси корхона ишлаб чиқаришнинг асосий функцияси сифатида, агросекторда маркетингнинг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари, агросекторда маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибалари ёритиб берилган.

Маркетинг самарадорлиги ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб юқори даражада намоён бўла бошлади Аммо, “Агар илгари маҳсулотни сотиш учун уни бозорга олиб бориш кифоя бўлган бўлса, энди бу етарли эмас” деган мажозий ибора бир ярим асрдан кўпроқ вақт товар ва хизматлар

бозорида рақобатнинг ривожланишидан юзага келган бошқарув фаолиятининг – маркетингнинг ўзига хос белгиси бўлиб келмоқда.

Маркетинг тўғрисидаги тушунчалар кўп адабиётлар ва диссертацияларда ўрганилган. Ҳозирда уларнинг тушунчасига берилган ифодалар юздан ошиб кетган. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, иқтисодиётдаги ҳар бир тармоқ ва соҳалар маълум хусусиятларга эга, иккинчидан, маркетинг асосий истеъмолчига қаратилган, яъни талаб билан боғлиқдир. Маркетинг тушунчасига берилган таърифлар жуда кўп. Айниқса бир-бирига ўхшаш тушунчалар россиялик олимлар – А.А.Анбарцумов, Ф.Сатанов, В.Алексеев, А.Баздникин, И.Герчикова, Е.Голубков, В.Секориев, П.Сорокинларнинг илмий ишларида келтирилган. Уларни маркетинга берилган тушунчалари маъно-моҳияти жиҳатидан бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Кўп иқтисодчи олимларнинг маркетингга берган таърифлари технологик ривожлантириш, бизнесни кенгайтириш, бошқаришга мақсадли дастурли ёндашиш, бозорда позицияни эгаллаш, тўлов қобилиятли истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш ва фойдани оширишга қаратилган. Мамлакатимиз олимлари ҳам маркетинг, уни бошқариш масалаларига ўз эътиборини қаратганлар.

Масалан, М.Саидов, М.Исманов – маркетинг соҳасида менежментни ривожлантириш, Г.Ахунова, Д.Юсупова – маркетинг менежменти тизимини ривожлантириш, М.Саидов, М.Исманов ва А.Фаттаховлар маркетинг менежмент функцияси сифатида, маркетинг назариясини ривожлантириш бўйича А.Солиев ва бошқалар ўз илмий тадқиқотларини олиб боришган. Масалан, рус олимлари А.В.Турьянский ва В.Л.Аничинлар агросекторни қуйидаги учта соҳага ажралувчи мажмуа деб қараганлар 1) қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар; 2) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари; 3) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар⁶, деб ҳисоблашган бўлишса, яна бир гуруҳ олимлар М.Л.Лезин, В.А.Тихонов ва Ю.В.Седылар: “Агросектор – бу қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари мажмуаси билан таъминловчи корхоналар, шу жумладан, агросервис корхоналари, қишлоқ хўжалигининг барча мулкчилик ва ташкилий ҳуқуқий шакллардаги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, ихтисослашган уруғчилик ва наслчилик хўжаликлари, тажриба станциялари аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидир”⁷. К.Бирнбаум фикрича эса, “Агросектор самарадорлиги ва муваффақиятини меҳнат, капитал, ер, моддий воситалар ташкил этади. Шу билан бирга, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, интеллектуал воситалар агросектор тармоғининг самарадорлик гарови ҳисобланади”⁸.

Диссертация ишида маркетинг тушунчасига хорижий ва республикаимиз олимлари томонидан берилган таърифлар назарий-илмий жиҳатдан кенг

⁶ Турьянский А.В., Аничин В.Л. Сельскохозяйственная кооперация и агропромышленная интеграция. Учебное пособие. 2-е изд. испр. и доп. – Белгород: Издательство БелГСХА, 2010. – 80 с.

⁷ Кундиус В.А. Экономика агропромышленного комплекса. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 99-100 с.

⁸ Пилтцина М.В., Махина С.Н. “К.Бирнбаумнинг қишлоқ хўжалигига оид мероси” Тарихий тадқиқотлар. – 2018.

таҳлил қилиниб, муаллиф таърифи берилган. Фикримизча, маркетинг – бу ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, истиқболлаштириш асосида бозорда товар ва хизматларга бўлган талабнинг кенгайишини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳаракатланиши ва сотилишини амалга оширишни ишлаб чиқишдир. Умуман, тадқиқотларнинг кўрсатишича, маркетинг дейилганда, товар ишлаб чиқариш ва сотишда харидорнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишга қаратилган фаолият тушунилиши керак, деган фикрга асос бўлади ва корхоналарда маркетингни самарали ташкил этишда уч хил режалаштириш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, маркетингни самарали ташкил этиш фаолият юритувчилар томонидан амалиётда уч хил классификацияга ажратиб ўрганилиши ва жорий этилиши мумкин (1-расм).



1-расм. Корxonани бошқаришнинг асосий функцияси сифатида маркетингни режалаштириш усуллари⁹

Корхоналарда маркетинг самарадорлигини оширишда режалаштириш бошқарув жараёнининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Режалаштириш учун энг самарали учта ёндашув юқоридан қуйига (top-down planning), қуйидан юқорига режалаштириш (bottom-up planning) ва ўзгарувчан векторли режалаштириш (variable vector planning) моделларидан фойдаланиш лозим. Бу моделлар учта қарама-қарши стратегияларни ифодаласада, корхонанинг асосий маркетинг стратегиясини белгилашда умумий хусусиятларга эга. Корхонанинг юқори даражадаги рақобат

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

шароитида юқоридан қуйига ёндашув умумийдан хусусийга ўтишга ҳаракат қилади, қуйидан юқорига ёндашув эса хусусийдан умумийга қараб йўналтирилади.

Юқоридан қуйига режалаштиришда аввало, глобал мақсадлар ва уларга эришиш йўллари белгилаб олинади, сўнг белгиланган мақсадни амалга оширишда режалаштириш модели аста-секин корхонанинг қуйи иерархия жараёнини, қайта ишлаш ва ривожланиш нуқтасини белгилаб олиш имконини беради.

Қуйидан-юқорига режалаштириш усулидан фойдаланилганда, дастлаб ташкилий иерархиянинг қуйи даражаларида нисбатан тор мақсадларни амалга оширилади. Кейинчалик улар юқори даражадаги глобал мақсадлар ва стратегиялар доирасида аста-секин интеграциялашади.

Ўзгарувчан векторли режалаштириш умумий ёндашув ҳисобланиб, корхонанинг келгусидаги маркетингни шакллантириш мақсади раҳбарият томонидан белгиланади, аммо маркетингни ташкил этишдаги стратегиялар функционал вазифаларни бажарувчи маркетинглар томонидан ишлаб чиқилади. Режа келажакда уни амалга оширадиган шахс томонидан ишлаб чиқилиши керак, акс ҳолда кўрсатмаларни амалга ошириш юзаки ва етарлича самарали бўлмайди. Шунингдек, режалаштириш объектида етарли даражада малакага эга бўлмаган шахс зарурий билимларининг йўқлиги туфайли оптимал ривожланиш схемасини туза олмайди.

Демак, маркетингни самарали ташкил этиш ва агросектор корхоналарининг истиқболлигини таъминлаш албатта, танланган маркетинг режасига боғлиқ. 1-расмнинг таҳлилини умумлаштириб, маркетингни самарали ишлаши ва корхона рақобат шароитида омон қолишида мўлжалланган режа бошқаришнинг асосий функцияси эканлигини тасдиқлашимиз мумкин.

Шундай қилиб, фикримизча, агромаркетинг – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва тайёр истеъмол учун тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказишга қаратилган мураккаб ва кўп қиррали тадбиркорлик фаолиятидир. Ушбу ҳаракатнинг бошланғич нуқтаси қишлоқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчиси, охири эса – истеъмолчидир. Маҳсулотни дала, ферма ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналаридан истеъмолчига етказиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат: ишлаб чиқариш; сақлаш, қайта ишлаш, саралаш, қадоқлаш, ташиш, улгуржи ва чакана савдо.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маркетинг фаолияти аграр ишлаб чиқариш секторида ҳали кенг тарқалган эмас, гарчи хўжалик юритишнинг бозор шароитлари буни талаб қилса ҳам. Бу биринчи навбатда, қуйидаги ҳолатлар туфайли юзага келади:

қишлоқ хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг фикрлаш инертлиги;

аграр менежерларда тармоқ кадрлари учун махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилувчи “тадбиркорлик” ва “тижорат ташаббуси” каби сифатларни шакллантириш зарурати;

тармоқни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишда агросаноат корхоналари томонидан агромаркетинг ролини етарлича баҳоламаслик; агросаноат мажмуаларида маркетингнинг етарли даражада ривожланмаганлиги.

Мамлакатимиз агросаноат ишлаб чиқаришида агромаркетингини ривожлантириш бўйича аниқ ва иқтисодий асосланган сиёсат шаклланмаган. Шунинг учун маркетинг фаолиятини ташкилий, кадрлар ва моддий-техник ва илмий-услубий таъминот муаммолари самарали ҳал этилмади, натижада маркетинг мутахассисларининг профессионаллик даражаси шаклланган халқаро стандартларга нисбатан жуда паст даражада эди. Аммо, маркетингнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг баъзи қоидалари, бозордаги жиддий ўзгаришларга қарамай, долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот ишида агросаноат мажмуи бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари миллий иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиши таъкидланади. Олиб борилган ўрганишларнинг кўрсатишича, хорижий мамлакатлардаги агросаноат менежменти тизими давлат томонидан тартибга солиш ва иқтисодий (хўжалик) бошқарувидан иборат бўлиб, агросаноат мажмуасини бошқаришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилади.

Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларидаги субсидиялар ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 45-50 фоизига, Япония ва Финландияда 70 фоизга етади. АҚШда қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бюджет харажатларининг қарийб 60 фоизини ташкил қилади. Кўпинча бюджет маблағлари қишлоқ хўжалигини тадқиқ қилиш, маркетингни ташкил этиш, кредит бериш, нархларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа дастурларни молиялаштириш учун ажратилади.

Шунингдек, ушбу мамлакатларда қишлоқ хўжалигини илмий асосда ташкил этиш, унумдорликни ошириш, янги технологияларни қўллаш, қишлоқ хўжалиги машиналари тизимлари, пестицидлар ва минерал ўғитлар, ген муҳандислиги ва биотехнологиялар, робототехника ва электроникадан фойдаланиш, яъни интенсив йўлда ривожланиб бормоқда¹⁰. Тадқиқот натижаларига кўра, агросаноат мажмуи корхоналари рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан агромаркетинг тизимига боғлиқ. Маркетинг воситаларидан самарали фойдаланиш учун корхоналар ҳосилнинг прогнозини тузадилар, инфратузилма ҳолатини таҳлил қиладилар, ташқи ва ички бозор эҳтиёжларини ўрганадилар. Шунингдек, уларнинг аксарияти бошқа хорижий ахборот, маслаҳат ва маркетинг хизматлари билан ўзаро алоқада бўлишади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги глобал рақобатчилик миллий агросектор корхоналаримизда замонавий маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари асослашда илғор хорижий тажрибаларни қиёсий ва танқидий ўрганиш, уларнинг маҳаллий шароит учун энг мақбул ва ижобий жиҳатларини амалиётга самарали жорий этиш

¹⁰ Стратегический менеджмент / Под ред. Петрова А.Н. – СПб.: Питер, 2005.

борасида илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Олиб борилган изланишлар асосида агросектор ва агромаркетингни ташкил этиш соҳасида тўпланган илғор хорижий тажрибаларнинг қуйидаги айрим жиҳатларини республикамиз амалиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин:

агросекторни ривожлантиришни миллий иқтисодиётнинг реал ва хизмат кўрсатиш тармоқларига муҳим тармоқ сифатида самарали фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, агросектор тизимининг барча тизим ости соҳаларини комплекс ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш;

туманлар, вилоят ва республика даражасида агросаноат мажмуасини давлат бошқаруви органларининг маркетинг озиқ-овқат бозорида нархларни тартибга солиш борасидаги, масалан озиқ-овқат бозоридаги нархлар кескин кўтарилишида бир неча турдаги маҳсулотлар учун давлатнинг аралашувини, нархлар кўтарилишини олдини олишга йўналтирилган профилактика чораларини кўриш функцияларини оптималлаштириш;

агросаноат комплекси маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан бошқариладиган ягона тизимнинг бир қисми сифатида қараш орқали унинг элементларининг ўзаро таъсири механизмнинг самарали ишлашини таъминлаш;

фермер ва деҳқон хўжаликларини ўзлари етиштирган маҳсулотларининг режадан ташқари қисмини эркин нархларда сотиш асосан экспорт қилиш, қайта ишлаш борасидаги фаолиятларини қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш ва ҳақозолар.

Диссертациянинг **“Агросектор корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий механизми таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида ЧЭИИ “Тошкентвино Комбинати” АЖ иқтисодий кўрсаткичларини ривожланиш динамикаси таҳлили, агросаноат корхоналарида инвестициядан самарали фойдаланиш таҳлили ҳамда агросектор корхоналарида стратегик маркетингни режалаштиришни устувор йўналишларини аниқлаш каби таҳлиллар ёритиб берилган.

Республикамизда йилига 21 миллион тоннадан зиёд биологик моддаларга бойлиги жиҳатдан дунёда етакчи ўринни эгаллайдиган мевасабзавот етиштирилади. Бироқ, унинг атиги 1,5 миллион тоннаси экспорт қилинади, бу жуда паст кўрсаткич бўлиб умумий ҳажмнинг 7,1 фоизини ташкил этади. Ўз навбатида, агросектор корхоналарида маркетинг тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, жаҳон бозоридаги ҳолатнинг чуқур илмий жиҳатдан ўрганилмаслиги экспорт талабларига жавоб берадиган сифатли, тайёр маҳсулотларни етарли миқдорда етиштирилмаслигига сабаб бўлмоқда. Республикада агросектор маҳсулотларини саралаш, қадоклаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича 31 та агрологистика маркази ташкил этилган. Аммо, агросектор маҳсулотларининг етиштиришдаги мавсумийлик ва секторда айланма маблағлар етишмаслиги туфайли мавжуд қувватлардан

атиги 10-15 фоиз фойдаланилмоқда. Агросектор корхоналарида маркетингни ташкил этиш асосида “маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, ташиш, сотиш”ни узлуксиз занжири вужудга келтирса ва мевасабзавот ҳажми кўпайиб борса, истеъмол бозори ҳам кенгайиб боради.

Тадқиқот натижаларига кўра, юртимизда 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хома-ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, кўп даромад олиш имконияти мавжуд. Узумчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, илмий ёндашувлар асосида тармоқда маркетинг имкониятларидан самарали фойдаланилмаслиги ўз навбатида, соҳада даромад олиш ва самарага эришишга тўсқинлик қилмоқда. Демак, бугунги кунда соҳа корхоналарида бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқишни йўлга қўйиш, истеъмолчига етказиш, сақлаш, истеъмолчи эҳтиёжларини ва бозор нархини ўрганиш, реклама ва бошқа хизматлар харажатлари таркибини мақбуллаштириш асосида самарали маркетинг фаолиятини такомиллаштириш йўллари аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация ишида республикада узумни қайта ишлаш бўйича етакчи ўринни эгаллаган йирик заводлардан бири бўлган ЧИИ “Тошкентвино Комбинати” АЖ фаолияти тадқиқот объекти сифатида танланиб, унинг айрим молиявий-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари таҳлил этилган.

Бугунги кунда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, уларни ишлаб чиқаришда етарлилиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш бандликни таъминлаш, унинг турмуш фаровонлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш каби кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга имкон беради¹¹.

Ушбу соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4161-сон Қарорига биноан “Ўзшаробсаноат” компанияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигига айлантирилди. Бозор бошқарувига асосланган агентлик, тасарруфидаги корхоналарни ундаги ўз акция улушлари орқали бошқаради. Бу борада барча иқтисодиёт тармоқларида замонавий бошқарув усуллари жорий этишни, яъни корхоналар тажрибасида корпоратив бошқарув усулидан фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳозирда узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги таркибига республикамизнинг 12 та ҳудуд бўйича жами 45 та корхонани ўзига бирлаштирган. Ана шундай корхоналардан бири ЧИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ ҳисобланади.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Т.: Давлат статистика қўмитаси, 2000-2015 йиллар.

ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ таркибида 2015 йилда Британияликлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ташкил этилган МЧЖ шаклидаги “FRUIT JUICE” кўшма корхонаси фаолият олиб боради. Ушбу корхона юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини молиявий таъминлаш асосида амалга оширади, алоҳида мол-мулк ва мустақил балансга эга. Корхона филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар, бошқа алоҳида бўлинмалар, шуниндек шўъба корхоналарни тузиш ҳуқуқига эга бўлиб алкоғолсиз ичимликлар, ёш болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган.

“Тошкентвино комбинати” АЖ чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилот сифатида фаолият кўрсатади. Илмий ишда ушбу жамиятнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилганда унинг рентабеллик кўрсаткичлари йилдан-йилга ошиб бораётганлиги кузатилади (1-жадвал).

1-жадвал

ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖ нинг 2014-2019 йиллардаги асосий иқтисодий кўрсаткичлари(млрд.сўмда)¹²

Кўрсаткичлар	Йиллар						2019 йилда 2014 йилга нисбати, %
	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
1. Ишлаб чиқариш ҳажми	194,9	227,8	260,5	311,7	395,3	528,3	271,1
2. Маҳсулот сотишдан тушган тушум	120,2	115,3	126,7	139,5	229,4	228,4	190,0
3. Маҳсулот таннархи	141,7	151,1	167,3	185,6	272,6	292,7	206,5
4. Ишлаётганлар сони, киши	969	840	805	754	750	738	76,1
5. Иш ҳақи фонди	14,7	13,9	15,5	16,1	20,3	20,7	140,8
6. Фойда	25,4	42,1	47,8	54,2	51,1	56,1	220,8
7. Соф фойда	21,5	35,8	40,5	46,1	43,2	45,3	210,7
8. Маҳсулот экспорти, млн. АҚШ доллари	2,648	2,306	3,704	6,084	4,107	4,639	175,2
9. Рентабеллик, %	18,0	27,9	28,6	27,7	18,7	19,7	109,4

Жадвал маълумотларига кўра 2014-2016 йиллар оралиғида корхонада рентабеллик кўрсаткичлари тез суръатлар билан, яъни 18 фоиздан 28,6 фоизгача ошиб келган бўлса, 2017 йилда 27,7 фоизга тенг ва 2018 йилда 18,7 фоизга ёки бўлмаса олдинги йилга нисбатан 1,0 фоиз пунктга камайган, 2019 йил якунлари бўйича 19,7 фоизга ёки бўлмаса мос равишда 1 фоиз пунктга ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Таҳлил ўтказилган даврда фойданинг ҳамма кўрсаткичлари деярли 2 маротабадан юқори бўлган. Корхона рентабеллиги таҳлили шуни

¹² Чет эл инвестицияси иштирокидаги “Тошкентвино Комбинати” АЖ нинг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

кўрсатмоқдаки, маҳсулот таннархи ҳам 2 мартадан юқорироқга ошган. Демак, корхона маҳсулотини таннархи тушурилса, рентабеллик бундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатларда корхона албатта, маркетинг стратегияси ва маркетинг тадқиқотларини қўллаши лозим. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳаридорларининг тўлов қобилияти ва бозор кўлами таҳлили ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бунда бир нарсани эътиборга олиш лозим: агросекторда ароқ-вино маҳсулотлари доим эҳтиёжманд товар бўлиб келган. Натижада ҳам таннарх, ҳам баҳо ошиб келган. Ваҳоланки, бу маҳсулотни ҳаммаси ўз нархиға қараганда анча паст даражада бўлишлигини эътиборга олган ҳолда, нафақат унинг баҳоси, балки акциз солиқлари ҳам давлат томонидан тартибга солиниши лозим. Бундай тартибни агросаноат ишлаб чиқариш корхоналарининг тайёр маҳсулотларига ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш самарадорлигини ошириш йўлида бир қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, улар қуйидагилардан иборат:

маҳсулот сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш ва бу йўл билан бозорларда (ички ва ташқи) маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш;

кишлоқ хўжалиги ва агросаноат соҳасида маркетинг фаолиятини етарли даражада эмаслиги анъанавий бозорларда ўз мавқеини кўтариш ва сақлаб туриш, яъни бозорларни эгаллаш масаласида фаол иш олиб боришнинг сустлиги;

корхонани ички жамғармаларининг чекланганлиги сабабли молиявий маблағларни етишмаслиги;

тармоқ корхоналарида диверсификациялаш ва кластерлаштириш сиёсатини паст даражада эканлиги;

янги техника ва технологиялардан фойдаланишда инновацион ғояларни амалиётга жорий этиш даражасининг пастлиги;

соҳада юқори билим ва малакага эга бўлган кадрлар таъминоти, қайта тайёрлаш ва илмий-техникавий марказларнинг йўқлиги ва ҳақозолар.

Умуман олганда, агросектор корхоналари хали етарли даражада бозор муносабатларига мослашмаганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини пастлиги, маҳсулот таннархини ошиб боришлиги, молиявий жараёнларнинг талаб даражасида ривожланмаганлиги кўплаб ечилмаган масалалар ва муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, улар корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, маркетингни ривожлантириш билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда кластер асосида жараённи бошқариш таклиф этилади.

Тадқиқот ишида замонавий стратегик маркетингнинг муҳим дастакларидан бири бўлган SWOT-таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда республикамиз агросектор корхоналарининг кучли ва ожиз томонлари, уларнинг имкониятлари ҳамда улар учун мумкин бўлган таҳдидлар батафсил тарзда тадқиқ этилди ва келтирилган маълумотларга таянган ҳолда агросектор корхоналари маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш,

ташқи имкониятларни амалга ошириш учун кучли томонлардан фойдаланиш стратегияси (SO-стратегияси), ташқи имкониятлардан фойдаланиш йўли билан ожиз томонларни йўқотиш стратегияси (WO-стратегияси), ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун кучли томонлардан фойдаланиш стратегияси (ST-стратегияси) ҳамда ожиз томонларни бартараф қилиш ва ташқи таҳдидлардан қочиш стратегияси (WT-стратегияси)ни амалга ошириш учун муҳим вазифалар белгилаб берилди.

